ÖZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARKAND VILOYAT
OQDARYO TUMAN
HOKIMI

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАН
ХОКИМИ

*********************************************************************

# QAROR

2001 й «22» феврал                                                     № 39-К

Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва
ер ажратиш комиссияси аъзоларининг 2001
йил 14 февралдаги тузган далолатномасини
тасдиқлаш тўғрисида.

Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ер ажратиш комиссия-
си аъзоларининг 2001 йил 14 февралдаги тузган далолатномасини ҳамда
туман марказий шифохонаси томонидан берилган хатини инобатга олиб,
аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида,

Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳокимлиги қошидаги ер танлаш ва ер ажратиш комиссияси
аъзоларининг 2001 йил 14 февралдаги тузган марказий шифохона ҳудуди-
дан фойдаланилмаётган бўш турган 78м2 ерни стаматология биноси қу-
риш учун ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Қурилиш учун ажратилган 78м2 ерга лойиҳа ҳужжатларини тай-
ёрлатиш, тегишли ташкилотлар билан келишилгандан кейин қурилиш ишла-
рини бошлаш туман марказий шифохонаси томонидан амалга оширилсин.

3. Туман бош меъмори Ш.Ирисовга ажратилган ерни чегараларини
аниқлаб бериш ва лойиҳа асосида қурилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг
ўринбосари Қ. Ҳасановга юклатилсин.

ТУМАН ҲОКИМИ :-                                Р. РАШИДОВ